

---

## Совуқ кунда иссиқ ош билан | Йўқлов тадбирлари давом этмоқда

Фурқат туманида катта-ю кичик ташаббускорлар томонидан йўқлов тадбирлари давом эттирилмоқда.

Маҳаллалар бўйлаб катта қозонларда ош дамланиб, беморлар, якка-ёлғиз қариялар, ногиронлиги бор аҳоли вакиллари ҳолидан хабар олиш урфга кирмоқда.

Ушбу хайрли тадбирлар ташаббускорлари томонидан хонадон вакиллари етишмовчилигига қараб, озиқ-овқат, кийим-кечак, кўмир маҳсулотлари ҳам етказиб берилмоқда.

Йўқлов давомида дуога қўл очган халқимиз вакиллари юрт тинчлиги, ободлиги йўлида хизмат қилаётган барча хизматчиларни хақларига дуо қилиб, хурсандчилигини билдирмоқдалар.

2023-02-06 12:42:54